

Биринчи инстанцияда ишни
кўрган: судья Ж.Мамуров

Апелляция инстанциясида
маърузачи: судья А.Ғаппоров

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА НАМАНГАН ВИЛОЯТ СУДИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2018 йил декабрь ойининг 15 куни, жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди апелляция инстанцияси судлов ҳайъати ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья Б.Бабамирзаева, ҳайъат судьялари С.Мамадалиева, А.Ғаппоровдан иборат таркибда, А.Паязовнинг котиблигида, тарафлардан Наманган вилоят прокуратураси бўлим прокурори Б.Ғуломов, жабрланувчи О.Н, маҳкум А.М. ва унинг ҳимоячиси адвокат Ж.Х.нинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Уйчи туман судининг 2018 йил 26 сентябрдаги ҳукмига кўра:

М.А.Ж, 19... йил ... январда Наманган вилоятида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, 3 нафар фарзанди бор, Уйчи туманидаги “.....” МЧЖ таъсисчиси, судланмаган, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Миробод МФЙ, Нукус кўчаси 90-уй, 63-хонадонда яшаган, жиноят иши бўйича қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланганга

оид жиноят ишини судланган А.М. ва унинг ҳимоячиси Ж.Х. ҳамда жабрланувчи О.Н. апелляция шикоятларига асосан кўриб чиқиб, куйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Уйчи туман судининг 2018 йил 26 сентябрдаги ҳукмига кўра, А.М.га Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 12 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 6-банди “а” кичик бандига кўра тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмай қолган муддати учдан бир қисмига қисқартирилган.

Суд ҳукмига кўра, М.А.Ж, 2014 йил сентябрда ўзи таъсисчи бўлган Уйчи туманидаги “Agrofirm” МЧЖ электр тармоқларидан узилиб, молиявий қийин аҳволга тушиб қолиб, таниши Н.Б. уни фуқаро Н.О билан таништириб кўйганида, уни моддий аҳволи яхши эканини билиб, унинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, шу орқали барча молиявий муаммоларини ечиш мақсадида, 2015 йил январда унга 80.000 АҚШ доллари эвазига ўзининг таъсисчилигидаги жамият фаолиятига таъсисчи М.П. ўрнига

таъсисчи бўлиб киришни таклиф қилиб, жамият фаолиятини истиқболли экани ҳақида сўз юритиб, М.П.ни улушини олиб беришини айтиб, алдаб, ишончига кириб, ишончини суистеъмол қилиб, 2015 йил январда Н.Б. орқали 5.000 АҚШ доллари, февралда Н.Б. гувоҳлигида 10.000 АҚШ доллари, укаси Н.О орқали 15.000 АҚШ доллари, бўлиб-бўлиб 2015 йил апрель-май ойларида 15.000 АҚШ долларига ҳисоблаб, 48.000.000 сўм пул маблағини, жами жуда кўп миқдордаги 113.955.300 сўмга тенг 45.000 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда айбланган.

А.М шикоятда, қилмишида фирибгарлик жинояти мавжуд эмаслиги, О.Н.ни алдамагани, ўрталарида бўлиб ўтган пул муносабатлари фуқаролик муносабатлари эканлиги ҳақида важлар келтириб, адолатли қарор қабул қилишни сўраган.

Адвокат Ж.Х. шикоятда, А.М. фирибгарлик жинояти содир қилмагани, унинг ҳаракатлари фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан иборатлиги ҳақида важлар келтириб, оқлов ҳукми чиқаришни сўраган.

Жабрланувчи О.Н. шикоятда, А.М.га енгил жазо тайинлангани, адвокат Ж.Х.га дастлабки терговда А.М. билан ўтказилган юзлаштириш баённомасини йиртиб юборганлиги бўйича чора кўрилмаганидан норозилигини кўрсатиб, А.М. дан 43000 АҚШ долларини ундириб, адвокат Ж.Х.га қонуний чора кўришни сўраган.

Судлов ҳайъати иш бўйича судья А.Ғаппоровнинг маърузасини, маҳкум А.М. ва унинг ҳимоячиси Ж.Х.нинг апелляция шикоятини қаноатлантириш, жабрланувчи О.Н.нинг А.М. ва ҳимоячи Ж.Х.нинг апелляция шикоятини қаноатлантиришсиз қолдириб, ўзини апелляция шикоятини қаноатлантириш, прокурор Б.Ғуломовнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантиришсиз қолдириш ҳақидаги фикрини тинглаб, апелляция шикоятини жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз, судланувчи А.М. ва унинг ҳимоячиси адвокат Ж.Х.нинг апелляция шикоятларини қаноатлантиришсиз қолдириб жабрланувчи О.Н.нинг апелляция шикоятини қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Маҳкум А.М.нинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби, гарчанд ўзи инкор этсада, жабрланувчи О.Н., гувоҳ Б.Шарипов, И.Халилов, У.Рускони, И.Хўжанов, А.Саматовнинг суддаги кўрсатувлари, жиноят иши 1-жилдининг 174-вароғидаги А.М.нинг О.Н.дан 344.000.000 сўм пулни “Агрофирма” МЧЖга таъсисчи сифатида олгани ҳақидаги тилхати ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далиллар билан исботланган.

Биринчи инстанция суди А.М.нинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят

учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиши лозимлиги, 3-бандида, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Биринчи инстанция суди А.М.га жазо тайинлашда муқаддам судланмаганлигини, 54 ёшдалигини, 3 нафар фарзанди борлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифномага эга эканини, жабрланувчига етказилган моддий зарарни қисман қоплаганини, тадбиркор эканини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, ғаразли ва бошқа паст ниятларда қасддан жиноят содир этганини жазони оғирлаштирувчи деб ҳисоблаб, содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, қонун доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазосини энг кам муддатини тайинлаб, асосли хулосага келган.

Маҳкум А.М. ва унинг ҳимоячиси адвокат Ж.Х.нинг, А.М.нинг ҳаракатларида фирибгарлик жинояти мавжуд эмаслиги, А.М. томонидан 344000.000 сўм миқдоридagi маблағни О.Н.дан олганлиги ҳақидаги тилхат алдаб ёздириб олингани ҳақидаги важлари;

жабрланувчи О.Н.нинг суддаги, 2014 йилда таниши Н.Б. уни “Agrofirm” МЧЖ га олиб чиқиб, цехни фаолиятини кўрсатгани, Н.Б. унга “Шу ерга пул тиксангиз яхшигина пул қолади, шерик бўлсангиз 3.000-4.000 АҚШ доллари фойда бўлади”-деб қизиқтиргани, А.М. унга 80.000 АҚШ доллари берса, шериги М.П.ни ўрнга унинг улушини олиб бериб, таъсисчи сифатида шерик бўлишини айтгани, бу келишув 2014 йил декабрь, 2015 йил январь ойларида бўлгани, шундан кейин 5000 АҚШ долларини укаси О.Н. орқали, Н.Б. билан бориб, 10.000 АҚШ доллари, бўлиб-бўлиб берган 48.000.000 сўмни А.М.ни ўзи 15.000 АҚШ долларига ҳисоблаган бўлгани, укаси Одил Наманган шаҳридаги Чехов кўчасида Ласетти автомашинасини 15.000 АҚШ доллари пулини А.С.дан олиб бергани, М.П. билан учраштиришни сўраганида, А.М. “Европада юради, у ёқда юради, қизини олдиға кетибди, у ёққа кетибди”-деб бахона қилгани, ўзи ҳам Россияда юргани, Ўзбекистондалигида кўриштирмагани, келишувлари барчаси оғзаки бўлгани, 2 дона Дамас автомашинаси ҳам бергани, бири ижарага, бири 5.000 АҚШ долларига ҳисоблаб берилган бўлгани, 50.000 АҚШ доллари тиккан жойдан А.М. унга 2.000.000 сўм фойда бергани, у берган 45.000 АҚШ долларидан А.М. таъсисчи М.П.га 7.000 долларигина берган бўлгани, кейин алданганини сезиб, 45.000 АҚШ доллари пулини беришни талаб қилгани, терговда А.М.нинг адвокати “Олган бўлсангиз олдим денг”-деганида, А.М. “Сўмга ёзиб бераман”-дегани, А.М.га кредит олганини айтиб, “5 йилда бўлса ҳам тўлаб беринг”-дегани, шунда А.М. 43.000 АҚШ долларлик қарздорликни шу вақтда курсда 8.000 сўмдан ҳисоблаб, тилхатни 344.000.000 сўмга ёзиб бергани, терговда А.Саматов билан А.М. ўртасида юзлаштириш

ўтказилганида адвокат Ж.Х. жанжал чиқариб, ҳақорат қилиб, юзлаштириш баённомасини йиртиб юборгани, трансформатор олинишидан жамиятга таъсисчи бўлиб қираётгани учун хабари бўлгани, қоровулхона қурилишида ғиштини бергани, 2 йил давомида А.М. фақатгина 2.000.000 сўм бергани, тергов бошланганида 2000 АҚШ доллари бергани, адвокати Ж.Х. ҳам уни алдамоқчи бўлгани ҳақидаги;

гувоҳ О.Н.нинг суддаги, жабрланувчи О.Н. акаси бўлиши, судланувчи А.М.ни шу иш бўйича таниши, 2015 йилда акаси Россиядан қўнғироқ қилиб, айтгани учун А.М. билан А.Саматовни Наманган шаҳар Чехов кўчасидаги уйга боришгани, А.Саматовдан Ласетти русумли автомашинасини 15.000 АҚШ доллари пулини олиб, Оромгоҳга М.Пўлатованинг уйига боришгани, М.Пўлатова ва уни қизи бўлгани, шу ерда уларни олдида А.М.га 15.000 АҚШ долларини бергани, шунинг 7.000 АҚШ долларини А.М. ажратиб, М.Пўлатовани ёнида уни қизига бергани, А.М. қолган 8.000 АҚШ долларини, “Буни Америкага ўғлимга контрактига”-деб, олиб қолгани, акасининг топшириғига кўра, Н.Боймирзаевга ҳам 5.000 АҚШ доллари бергани ҳақидаги;

гувоҳ Н.Боймирзаевнинг суддаги, судланувчи А.М. билан 2011 йилда танишгани, жабрланувчи О.Н. узоқроқ қариндоши экани, жамият электр тармоғидан узилганида, О.Н.га айтгани, у шуғулланиб кўргани, кейин О.Н. ва А.М. ўзаро гаплашишгани ва шериклик қилишмоқчи эканини А.М.дан эшитгани, кейин улар ўртасида низо келиб чиққани, ўзи О.Н.нинг укаси О.Н. 5.000 АҚШ долларини А.М.га бериб қўйишини айтиб берганида, олиб, А.М.га бергани, О.Н. билан бирга А.М.га 10.000 АҚШ доллари беришгани, қолган пулларни сўмда берилгани ҳақида эшитгани, О.Н. пулни А.М.дан олиб беришни ундан талаб қилаётгани, бу пуллардан ҳеч қандай манфаатдор бўлмагани ҳақидаги;

гувоҳ А.Саматовнинг суддаги, 2015 йилда О.Н. Россиядан унга қўнғироқ қилиб, Ласеттини пули 15.000 АҚШ долларини эртаси куни укаси О.Н. келиб олиб кетишини айтгани, эртаси куни соат 8-9 ларда О.Н. оқ рангли Кобальт автомашинасида келгани, унга хонадони ичида 15.000 АҚШ долларини бергани, О.Н. санаб олгани, ортидан кузатиб чиққани, автомашина олд ўриндиғида кепка кийган шахс ўтиргани, О.Н.дан “Автомашинадаги ким”-деб сўраганида, О.Н. “Уйчидаги лор Равшан акани акаси Атхам ака”-дегани, А.М. билан суҳбатлашмагани, қайтиб хонадонига кириб, О.Н.га қўнғироқ қилиб, 15.000 АҚШ долларини бериб юборганини айтгани, ўзи шу куни 15.000 АҚШ доллари бераётгани, ким билан олиб кетаётганини билиш учун ортидан чиққани, терговда ҳам А.М. билан холи қолганларида шу ҳақида сўраганида, ҳақиқатан ҳам ўша куни О.Н.дан 15000 АҚШ долларини олганини айтгани ҳақидаги;

гувоҳ терговчи И.Хужановнинг суддаги, Уйчи туман ИИБ ТБ терговчиси вазифасида ишлаган вақтида А.М.га оид жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатларини бир қисми у томонидан олиб борилгани, гувоҳ М.Пўлатовани кўрсатувини эшитиб, ёзиб олиб, М.Пўлатовага имзо

қўйдиргани, лекин оқ вараққа имзо қўйдирмагани, сўроқ баённомасини ўқиб чиққани ҳақидаги сўзлар М.Пўлатовани ҳусни хати, яъни М.Пўлатовани ўзи ёзган сўзлар экани, А.Саматов билан А.М.ни ўрталарида юзлаштириш ўтказганида адвокат Ж.Х. жанжал чиқариб, юзлаштириш баённомасини йиртиб юборгани ҳақидаги;

гувоҳ Умида Русконининг суддаги, отасини вафотидан сўнг А.М. унга Уйчи Агрофирма МЧЖда 20.000 АҚШ доллари миқдоридagi улуши борлигини айтгани, отасининг улуши онаси М.Пўлатовани номига ўтказилгани, лекин ўзи юритиши, 2014 йилда улушини сотишини А.М.га айтгани, А.М. нархини сўраганида 50.000 АҚШ доллари бўлишини, 30.000 АҚШ долларини олдиндан берса, расмийлаштириб беришини, қолганини кейин беришини унга ишонишини айтгани, 2015 йил 8 февралда Ўзбекистонга келгани, 10 кун ўтсада, А.М. пулни олиб келмагани, унга қўнғироқ қилиб эътироз билдиргани, А.М. О.Н. билан келгани ва 7.000 АҚШ доллари бергани, 7.000 АҚШ долларини ўғлининг тўйига ишлатгани, А.М.га қайтариб бермагани, ўзи улуш сифатида 50.000 АҚШ доллари нақд пул қўшмагани, дивидентлар берилмагани, фойда йўқлиги, лизингга оборот келганида энди ишга тушади дейилганида электр токи масаласи чиққани, ўзи 40.000 ёки 44.000 АҚШ доллари улуш қўшгани ҳақидаги;

гувоҳ “Agrofirma” МЧЖ ижрочи директори Б.Шариповнинг суддаги, жабрланувчи О.Н.ни шу иш юзасидан таниши, А.М.ни жамиятда таъсисчи бўлгани учун таниши, жабрланувчи О.Н. билан мулоқотга киришмагани, жамият электр тармоғидан 2014 йил сентябрда узиб қўйилгани, 1 йил электр токи бўлмагани, бу даврда жамият табиий газдан фойдаланиб, фаолият юритгани, жамиятга 14.000.000 сўмга трансформатор харид қилинганидан хабари борлиги, лизингга ҳар ойда 3.000.000-3.500.000 сўмдан ўтказилиши, 2014-2015 йилларда жамият ойига 7.000.000 сўмдан 10.000.000 сўмгача соф даромад олгани ҳақидаги;

гувоҳ М.Пўлатовани суддаги, турмуш ўртоғи А.М. билан 50 фоиздан улуш киритиб, жамият ташкил қилган бўлгани, 2011 йилда турмуш ўртоғи вафотидан сўнг, жамиятдаги 50 фоиз улуши уни номига ўтгани, 2015 йилда қизи келган вақтда баҳор ойи бошлари, март ойларида А.М. ва О.Н. келгани, шу куни А.М. қизига 7.000 АҚШ доллари бергани, А.М. унга бошида 2000 АҚШ долларидан, кейин 1000 АҚШ долларидан, кейин 500 АҚШ долларидан, ҳозирда 200 АҚШ долларидан дивидент бериб келаётгани, О.Н.ни жами 45.000 АҚШ доллари берганини кейин эшитгани ҳақидаги кўрсатувлари;

Шунигдек, маҳкум А.М.нинг “Тилхат Мен Мирзахалов Адхамжон Журабоевич 1964 йил 13 январда туғилганман тилхат ёзишдан мақсад Нуриддинов Орифжон Рахмонбердиевичдан 344000000 (уч юз қирқ тўрт миллион сўмни) яъни олган шериклик пулини яъни “Агрофирма” МЧЖга таъсисчи сифатида шериклик асосида ишлаш учун олган пулимни 2018 йилдан 7 мартдан то 2023 йил 7 мартгача (икки минг йигирма учинчи) йилгача яъни 5 йил (беш) давомида бўлиб бўлиб бераман тилхат ёзишга ҳеч

ким мажбур қилмади 2018 йил 7 март имзо Мирзахалов А.Ж”-деб ўзининг хуснихати билан ёзилган тилхати ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан рад қилинади.

Судлов ҳайъати гарчанд А.М. ҳаракатларида ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш жинояти йўқлиги, О.Н.дан 15000 АҚШ доллари ва 48.000.000 сўм маблағини “Агрофирма” МЧЖга таъсисчи М.Пўлатовага бериш учун олиб, ўрнига таъсисчи қилиб киритишга келишгани ҳақида кўрсатувларини;

О.Н.дан олган пул маблағларини таъсис улуши қилиб МЧЖга кириш қилмагани;

олинган пул маблағларидан фақатгина 7000 АҚШ долларини М.Пўлатовага жамиятда бўлган 50 фоиз таъсис улушини сотиб олиш учун бергани;

“Agrofirma” МЧЖ ижрочи директори Б.Шариповнинг кўрсатувларига асосан 2014-2015 йилларда жамият оёига 7.000.000 сўмдан 10.000.000 сўмгача соф даромад олган бўлсада, О.Н.га ўша даврда бирор сўм ҳам фойдадан улуш бермагани;

О.Н. А.М.дан М.Пўлатова билан учраштиришни сўраганида, А.М. унга М.Пўлатовани Европада юришини, қизини олдида кетгани ҳақида ёлгон гаплар билан алдаб учраштирамаганлиги тасдиқланганлик ҳолатларига кўра ишончга сазовор эмас деб топади.

О.Н.нинг кўрсатувларини жиноят ишининг 1-жилд 60-62-варақларидаги, судланувчи А.М.нинг, Уйчи туман ИИБ бошлиғи номига ёзган қўшимча тушунтириш хатида О.Н. унга 85.000 АҚШ долларини берганида Н.Пўлатовага 40.000 АҚШ долларини улуши сифатида бериб, уни таъсисчиликдан чиқариб, ўрнига О.Н.ни улушдор деб жамиятга киритиши ҳақида айтганида, О.Н. унга жами 15.000 АҚШ доллари ва 48.000.000 сўм бергани, ҳозирда О.Н.га 16.000.000 сўм ҳисобида 2.000 АҚШ доллари бергани, қолган пулини 2017 йил декабрь ойи охирига қадар нақд пулда беришни баён қилгани, жабрланувчи О.Н.нинг гувоҳ тариқасида берган сўроқ баённомасида, А.М. унга 85000 АҚШ доллари берса, шундан 50000 АҚШ долларини фирма таъсисчиси М.Пўлатовага бериб, унинг ўрнига таъсисчи қилиб киритиши, “Фирмага катта пул тикилса оёига 12.000.000 сўмдан ўзингизга фойда қолиши мумкин”-деб айтгани, фирмани банк ёки бошқа муассасалардан қарзи бор ёки йўқлигини сўраганида, қарзи йўқлигини айтгани, шундан кейин А.М.га бериш учун укаси О.Н. орқали 5.000 АҚШ доллари, 10.000 АҚШ долларини ўзи Н.Боймирзаев билан бирга, Россияда бўлганида А.М. кўнғироқ қилиб, пул сўраб, таъсисчи М.Пўлатовага беришини айтганида, А.Саматовга сотган Ласетти автомашинасининг пули 15.000 АҚШ долларини бергани, унга 4 ой ичида сўмда ва АҚШ долларида жами 45.000 АҚШ доллари бергани, А.М.дан фойда сўраганида, лизинг қарзини тўлашини айтгани, пулини қайтаришини сўраганида цехни сотса беришини айтгани, лекин жамиятга таъсисчи қилиб олмагани, фойдадан ҳам фақатгина 2000.000 сўм бергани, унга ишонгани учун пул бергани ҳақида

тилхатлар олмагани, тергов вақтида ўзи тан олиб адвокати Ж.Х. иштирокида 344.000.000 сўм пул олгани, қайтариб беришини билдириб ёзиб берган тилхати, цехни сотиб олувчи миждоз олиб борганида цехни нархини атайлаб баланд айтиб сотмаганлик ҳолатлари тасдиқланганлиги билан ишончга сазовор деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 62-моддасининг биринчи қисмида, масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалар доирасида жавобгар бўлишлари;

1143-моддада, васиятнома ёки қонун бўйича эрга(хотинга) тегишли бўлган ворислик ҳуқуқи унинг мерос қолдирувчи билан никоҳдаги ҳолатига боғлиқ бошқа мулкӣ ҳуқуқларига, шу жумладан никоҳда бўлиб, биргаликда орттирилган мол-мулкнинг муайян қисмига нисбатан бўлган мулк ҳуқуқига даҳл қилмаслиги кўрсатилган.

А.М. ўзига тегишли бўлган улушни жиноят иши кўзғатилиб, тергов давом этиб келаётган вақтда турмуш ўртоғи номига ўтказган бўлсада, лекин қонун бўйича ҳозирда ҳам улушнинг тенг ярми унга тегишли ҳисобланади.

Шу сабабли судлов ҳайъати адвокат Ж.Х.ни жиноят ишлари бўйича Уйчи туман суди ҳукм чиқаришда гарчанд, “Агрофирма” МЧЖнинг 50 фоиз улуши А.М. томонидан соғлиги яхши бўлмагани туфайли турмуш ўртоғини номига келишув бўйича ўтказилган бўлсада, ушбу улушга таъқиқ қўйиб, зарарни ундиришга қаратиб, хатоликка йўл қўйилгани ҳақидаги вазлари билан келишмайди.

Адвокат Ж.Х.нинг дастлабки терговда О.Н. билан А.М.нинг ўртасида ўтказилган юзлаштиришда тақдим этилган ҳужжатлар жиноят ишида йўқлиги, ушбу ҳужжатлар иш учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақидаги важи;

гувоҳ терговчи Л.Тураевни суддаги, ҳақиқатан ҳам А.М. билан О.Н. ўртасида юзлаштириш баённомаси ўтказганида ҳужжатлар тақдим этилгани, лекин бу ҳужжатларни иш учун аҳамиятга эга бўлмагани туфайли жиноят ишига қўшмасдан, назорат жилдига тикиб, ўрганиш учун прокурорга юборгани ҳақидаги кўрсатуви;

юзлаштириш баённомасида А.М. жамият балансига ўзининг номидан киритилган товарларни сотишдан тушган нақд пул маблағини электр жаримасини тўлаш учун, лизинг ва ун маҳсулотлари сотиб олиш учун ишлатилганини тасдиқловчи Форма-К-39 ҳужжатини, “Дамас” русумли автомашинасини ижарага олганлиги тўғрисидаги шартномасини, трансформаторни олгани ва синовдан ўтказгани, трансформаторни вилоят электр бўлимига ўтказишга қаратилган ҳаракати бўйича келишув битимини, ун, пахта ёғи, ош тузи, маргарин сотиб олгани тўғрисидаги ҳисоб варақалар ва шартномаларни, трансформаторни жамиятга кирим қилганлиги тўғрисидаги, лизинг олинганлиги ҳақидаги ҳужжатларни тақдим қилган бўлиб бу ҳужжатлар фирмани фаолиятини қандай тартибда юритилганини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиб, бу ҳужжатларда О.Н. номидан маблағ

киритилганини тасдиқловчи бирор-бир маълумот йўқлиги сабабли, иш учун ҳеч қандай аҳамияти йўқлиги;

О.Н. берган пулларини фақатгина улуш сифатида киритгани, маблағларни А.М. томонидан қандай мақсадда ишлатилгани, қандай ҳужжатлар тузгани билан қизиқмагани ҳақидаги кўрсатуви билан рад қилинади.

Адвокат Ж.Х.нинг жиноят ишлари бўйича Уйчи туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони талаблари умуман инобатга олинмади деган важлари билан келишмайди, чунки судда аниқланган ҳолатларга кўра, жабрланувчи О.Н. ҳам тадбиркор бўлиб, у тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида А.М. таъсисчи бўлган жамиятнинг таъсисчиси М.Пўлатовани жамиятдаги 50 фоиз улушини А.М.нинг таклифи билан сотиб олиш ниятида 2014-2015 йилларда 45000 АҚШ доллари берган бўлсада, лекин ҳозирга қадар таъсисчи сифатида М.Пўлатовани ўрнига жамиятга улушдор бўлиб кирмагани, бундан ташқари жамият томонидан 2014-2015 йилларда олинган 7-10 млн соф даромаддан берилиши керак бўлган улушдан бирор сўм ҳам олмагани, қачонки ариза билан мурожаат қилганидагина тергов давомида 2000 АҚШ доллари берилиб, қолган маблағлари А.М. томонидан берилмасдан келинган.

Адвокат Ж.Х. жиноят ишлари бўйича Уйчи туман суди томонидан О.Н. ажрим чиқарилмасдан фуқаровий даъвогар деб топилган бўлсада, фуқаровий даъвогар сифатида ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилмагани ҳақидаги важи;

Жиноят ишлари бўйича Уйчи туман судининг маҳкум А.М.га нисбатан чиқарилган 2018 йил 26 сентябрдаги ҳукмида О.Н.ни жабрланувчи деб эътироф қилингани билан рад қилинади.

Адвокат Ж.Х.нинг 2018 йил 7 март куни терговчи И.Хўжановнинг хизмат хонасида А.М. ва О.Н. ўртасида ёзилган тилхат алдов асосида ёзилгани ҳақидаги важи;

жабрланувчи О.Н.нинг 2018 йил 7 мартда А.М. ва А.Саматов ўртасида юзлаштириш ўтказилганида адвокат Ж.Х. томонидан жанжал чиқарилиб, юзлаштириш баённомаси йиртиб ташланганида у ташқарига чиқиб кетиб юборганлиги, кейин А.М.га агар пул олган бўлса олганлиги ҳақида ёзиб беришини айтганида А.М. ҳақиқатан ҳам 45000 АҚШ доллари олгани, 2000 АҚШ долларини бергани, 43000 АҚШ долларига тенг бўлган 344000.000 пулни бермагани, ушбу пулни ҳам бериши ҳақида тилхат ёзиб бергани, уни ҳеч ким алдамагани ҳақидаги кўрсатуви билан рад қилинади.

Адвокат Ж.Х. жиноят ишлари бўйича Уйчи туман суди томонидан А.М. 7000 АҚШ долларини У.Русконига бериб, қайтариб олмаган бўлсада, лекин дастлабки терговдаги М.Пўлатовани кўрсатувини инобатга олиб 7000

АҚШ долларини қайтариб олиб кетганлигини нотўғри равишда ишончли далил деб топгани ҳақидаги важино гувоҳ тариқасида сўралган М.Пўлатова ва У.Русконини А.М.дан олган 7000 АҚШ долларини ўғлини тўйига ишлатгани, қайтариб бермагани ҳақидаги кўрсатувлари билан асосли деб топади.

Жабрланувчи О.Н.нинг судланувчи А.М. 43000 АҚШ доллари миқдоридаги пулини бермагани ҳолда, унга енгил жазо тайинлангани, унга оғирроқ жазо тайинлаш ҳақидаги важи;

жиноят ишлари бўйича Уйчи туман суди томонидан А.М.га жазо тайинлашда муқаддам судланмаганлигини, 54 ёшдалигини, 3 нафар фарзанди борлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифномага эга эканини, жабрланувчига етказилган моддий зарарни қисман қоплаганини, тадбиркор эканини содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилиқ даражасини инобатга олиб, 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, асосли хулосага келингани билан рад қилинади.

О.Н.нинг адвокат Ж.Х. дастлабки тергов давомида гувоҳ А.Саматов билан А.М. ўртасида ўтказилган юзлаштириш жараёнида жанжал қилиб, юзлаштириш баённомасини йиртиб ташлагани, бундан ташқари апелляция суди мажлиси жараёнида унга ўта оғир жиноят содир қилишга ҳаракат қилганликда айблаб туҳмат қилганлиги учун чора кўришни сўрагани;

Ушбу ҳолатлар судда ўз тасдиғини топмагани учун судлов ҳайъати адвокат Ж.Х.ни дастлабки тергов ва судда ўзини номуносиб тутганлиги сабабли, унинг ҳатти-ҳаракатларини муҳокама қилиш, келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун хусусий ажрим чиқариб, ажрим нусхасини у фаолият олиб бораётган Тошкент шаҳридаги “SHERDAV HIMOYA” адвокатлик фирмасига юборишни лозим топди.

Юқоридаги асосларга кўра, судлов ҳайъати суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантиришсиз қолдириб, маҳкум А.М.га М.Пулатовага берган 7000 АҚШ долларини фуқаролик тартибида ундириб олиш ҳуқуқини тушунтиришни лозим топди.

Бинобарин, апелляция инстанция судлов ҳайъати Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 490, 496, 497¹¹, 497¹³, 497¹⁸ -моддаларини қўллаб, қўллаб,

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

М.А.Ж.га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Уйчи туман судининг 2018 йил 26 сентябрдаги ҳукми ўзгаришсиз қолдирилсин.

А.М.га М.Пўлатовадан 7000 АҚШ долларини фуқаролик тартибида ундириб олиш ҳуқуқига эга экани тушунтирилсин.

Ҳимоячи Ж.Х. ва маҳкум А.М. томонидан келтирилган апелляция шикоятлари қаноатлантиришсиз қолдирилсин, жабрланувчи О.Н.нинг апелляция шикояти қисман қаноатлантирилсин.

Раислик қилувчи
Ҳайъат судьялари

имзо
имзо

Б.Бабамирзаева
С.Мамадалиева

«Ажрим нусхаси аслига тўғри»
Вилоят суди судьяси

имзо

А.Ғаппоров

А.Ғаппоров